



### **Савол:**

Таҳоратли аёл гўдак боласини ювинтириб қўйгач, таҳорат қилиши лозим бўладими?

### **Жавоб:**

Аёл киши гўдагини хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин, ювинтириб қўйса ва унинг таносил аъзоларига қўли тегса, унга таҳорат қилиш вожиб бўлмайди, фақат қўлларини ювиши kifoya. Чунки, таносил аъзони шаҳватсиз ушлаш таҳоратни синдирмайди. Маълумки, боласини чўмилтираётган аёлнинг қўнглига шаҳват деган нарса умуман келмайди. Чўмилтириб бўлгач, қўлига теккан нажосат ва нопокликларни ювиб ташлаши kifoya қилади.